

**2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Ижро учун масъуллар
Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини такомиллаштириш				
1.	<p>Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратишга қаратилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларининг Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларига мос келадиган мақбул нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш.</p>	<p>1. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги (132-сонли) Конвенцияни ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ундаги халқаро стандартлар ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласини ўрганиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижалари асосида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.</p> <p>3. Халқаро меҳнат ташкилотининг: “Меҳнат гигиена, ишлаб чиқаришда гигиена хавфсизлиги тўғрисида”ги (155-сонли); “Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятга эга ишчилар тўғрисида”ги (156-сонли), “Тўлиқсиз иш куни тўғрисида”ги (175-сонли), “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (183-сонли) Конвенцияларини ратификация қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини ўрнатилган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш.</p>	<p>Август</p> <p>Сентябрь</p> <p>Октябрь</p> <p>Ноябрь</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> <p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман)</p>

Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш				
2.	<p>Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини рағбатлантиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш.</p>	<p>1. Сайлов жараёнларига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда сайловларнинг барча босқичида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>2. Сиёсий партияларда фаолият юритаётган хотин-қизларни лавозимларга тавсия этишга қаратилган “ижтимоий лифт” тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>3. Жамиятда “Аёл сиёсатчи” образи тўғрисида ижобий фикрни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш.</p> <p>4. Вакиллик органларида фаолият олиб бораётган депутат аёлларнинг ижобий тажрибаларни оммалаштириш.</p> <p>3. Сиёсатчи аёллар ҳақида медиа маҳсулотлар тайёрлаш ва мулоқот платформаларини йўлга қўйиш.</p>	<p>дастур ишлаб чиқиш - январь</p> <p>амалга ошириш – йил давомида</p> <p>Март</p> <p>Март-август</p> <p>йил давомида</p> <p>Ҳар ойда бир маротаба</p>	<p>Сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, сиёсий партиялар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги</p> <p>сиёсий партиялар, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p> <p>сиёсий партиялар,</p> <p>сиёсий партиялар, МТРК, ММА, ЎзАА, АОКА Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>
3.	<p>Давлат бошқарувида хотин-қизлар улушини оширишда сиёсий партияларнинг иштирокини янада кенгайтириш.</p>	<p>1. Сиёсий партияларга аъзо бўлган фаол хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Давлат ташкилотларини демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш (Сиёсий партияларга давлат бошқаруви органлари раҳбарлигига номзод кўрсатиш ва бошқалар) бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таклифларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича</p>	<p>Апрель</p> <p>Май</p> <p>Июнь</p>	<p>Сиёсий партиялар (<i>келишув асосида</i>) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

		<p>республика комиссиясига киритиш.</p> <p>4. Жамиятда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган сиёсий партияларнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. “Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли” мавзусида ҳудудий ва Республика илмий-амалий анжуманини ташкил этиш.</p>	<p>Август</p> <p>Октябрь</p>	
4.	Сайлов кампаниялари даврида сайлов комиссиялари иш фаолиятида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирокини таъминлаш.	Вакиллик органларига бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш бўйича округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантиришда, шу жумладан раҳбарлик лавозимларида (комиссия раиси, раис ўринбосари, котиб) аёл ва эркакларнинг тенг вакиллигини таъминлаш чораларини кўриш.	2023 йил давомида (сайлов кампаниялари даврида)	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Марказий сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари
Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш				
5.	“Аёлларнинг давлат хизматидаги ўрни: замонавий тенденциялар” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш ва ўтказиш.	<p>1. Конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда экспертлардан иборат таркибда ишчи гуруҳини шакллантириш.</p> <p>2. Конференция концепцияси, дастури, маърузачилар ҳамда иштирокчилар таркибини шакллантириш ҳамда тадбир ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш.</p> <p>3. Конференцияни белгиланган муддатларда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>4. Конференция яқунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.</p>	<p>Январь</p> <p>Февраль</p> <p>Март</p> <p>Март</p>	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси, нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари
6.	Давлат бошқарув органлари меҳнат жамоаларида	1. Малакали психологларни жалб этган ҳолда меҳнат жамоаларида зўравонликни, жумладан	Февраль	Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат

	зўравонлик турлари ва уларни олдини олиш бўйича қисқа муддатли ўқувларни ташкил этиш.	хотин-қизларга нисбатан зўравонликни олдини олиш бўйича қисқа муддатли ўқув дастурларни ишлаб чиқиш. 2. Барча давлат хизматчиларини ушбу дастурлар асосида ўқитишни ташкил этиш.	Март-ноябрь ойларида	қўмитаси, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Миллий кадрлар захирасига киритилган хотин-қизлар улушини вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари асосида Миллий кадрлар захирасида салоҳиятли, фаол хотин-қизларни улушини 30 фоизга етказиш чораларини кўриш. 3. Раҳбарлик лавозимларига Миллий кадрлар захирасини шакллантиришда аёл номзодларни инобатга олиш тизимини жорий этиш.	Февраль Сентябрь доимий	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишларини ташкил этиш.	1. Ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан ўз тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва компанияларда малака ошириш (стажировка) ўтиш дастурларини ташкил этиш мақсадли буюртмасини шакллантириш ва “Эл-юрт умиди” жамғармасига тақдим этиш. 2. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мақсадли буюртмаси асосида хотин-қизларни хорижда малакасини ошириш ва стажировка ўтишларини ташкил этиш.	Апрель Йил давомида	Вазирлик, идора ва ташкилотлар, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
9.	Хотин-қизларнинг халқаро миқёсида давлат ҳамда ўзи фаолият юритаётган давлат органи ва ташкилоти номидан вакил бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш.	Дипломатик ваколатхоналарнинг дипломатик лавозимларига тайинлаш мақсадида алоҳида квота жорий этиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ахборот таҳлилий ҳужжат тайёрлаш.	Май	Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, манфаатдор вазирлик ва идоралар

10.	<p>Хотин-қизлар учун давлат хизматига кириш жозибадорлиги ва иш режими қулайлигини ошириш.</p>	<p>1. Худудларда қуйидагиларни назарда тутувчи тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш: Хотин-қизлар учун мослашувчан иш режимларини ташкил этиш; давлат хизматчилари фаолиятини масофавий ташкил этиш ҳамда уй шароитида масофавий ишлашга муҳтож бўлган салоҳиятли хотин-қизларни жалб этиш; ҳомиладорлик ва бола парваришида бўлган аёл ходимлар учун масофавий меҳнат фаолиятини кўрсатиш имкониятини яратиш. 2. Ўтказилган тажриба синов натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Йил давомида Май Июль Сентябрь Октябрь</p>	<p>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
11.	<p>Давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш.</p>	<p>1. Республика ва маҳаллий даражадаги ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш ҳолатини ўрганиш. 2. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлат органлари ва ташкилотларида лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонларини ишлаб чиқиш. 3. Квоталар ва ишга қабул қилиш талабларини кўриб чиқиш, аёллар учун лидерлик ва етакчилик салоҳиятини ошириш бўйича ички дастурларни йўлга қўйиш орқали давлат хизматчилари орасида аёллар улушини ошириш.</p>	<p>Июнь Август Йил давомида</p>	<p>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
12.	<p>“Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли” мавзусидаги анъанавий форумни ўтказиш.</p>	<p>Форумда: хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш;</p>	<p>Декабрь</p>	<p>Олий Мажлис палаталари <i>(келишув асосида)</i> Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича</p>

		<p>парламентдаги аёллар томонидан йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш;</p> <p>ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.</p>		<p>республика комиссияси, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси</p>
<p>Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш</p>				
13.	<p>Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш</p>	<p>1. Ҳар бир тармоқ кесимида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш борасида олиб борилган илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни таҳлил этиш.</p> <p>2. Замонавий тенденциялардан келиб чиқиб, тармоқларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган тадқиқотлар кўламини кўпайтириш ва мунтазам равишда кенг жамоатчиликка етказиб бориш.</p>	<p>2023 йил апрель</p> <p>Доимий</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти</p>
14.	<p>Хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш.</p>	<p>1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жойлардаги вакиллари томонидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда маҳалла, олий ўқув юртлири талабалари, мактаб битирувчилари орасида тарғибот ишларини олиб бориш.</p> <p>2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, нодавлат, нотижорат ташкилотлари экспертлари билан ҳамкорликда стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)ларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. ТХКМРМ да ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва оилавий шифокр, акушер гинеколог, шошилинч тез тиббий ёрдам шифокрлари, патронаж ҳамшираларнинг малакасини ошириш.</p>	<p>Йил давомида</p> <p>Апрель</p> <p>Алоҳида жадвал асосида</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси</p>

15.	Мактаб дарсликлари, ўқув-услугий материаллар ва бошқа нашрларнинг жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципига мувофиқ гендер экспертизадан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш	1. Мактаб дарсликлари, ўқув-услугий материалларни гендер экспертизадан ўтказиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Ўрганиш натижалари асосида мактаб дарсликлари, ўқув-услугий материалларни гендер экспертизадан ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига киритиш.	Июнь Август	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
16.	Хотин-қизлар ва эркекларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Хотин-қизлар ва эркекларнинг бутун умр давомида ўқишининг афзалликлари тўғрисида аҳолини хабардорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар асосида илмий-услугий манбаларни яратиш ва тарғиб этиш.	Август	“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш				
17.	Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	1. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул вакилларида иборат таркибда ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан ҳудудларда ўрганишлар олиб бориш. 3. Ўрганиш натижалари бўйича стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Март Апрель-июнь Август	Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, халқаро донор ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
18.	Медиа маҳсулотларни гендер экспертизадан ўтказиш чораларини кўриш	1. Медиа маҳсулотларни гендер экспертизадан ўтказиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Ўрганиш натижалари асосида медиа	Май Июль	АОКА, МТРК, ЎЗА, ЎЗММА, Оила ва хотин-қизлар

		<p>маҳсулотларни гендер экспертизадан ўтказиш тартибини ишлаш чиқиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган тартиб асосида медиа маҳсулотларни гендер экспертизадан ўтказиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Гендер тенглигини таъминлашга оид турли стереотипларнинг олдини олиш, бу борада мавжуд меъёрларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Доимий</p>	<p>давлат кўмитаси</p>
19.	<p>Худудларда айниқса қишлоқ жойларда хотин-қизларни сервис ва хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўқитиш ҳамда ушбу соҳада меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш.</p>	<p>1. Мономарказлар, касб-хунарга ўқитиш марказлари ва масканларда ўқиш истаги бўлган фуқароларга маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари томонидан тавсияномалар бериш.</p> <p>2. Ишсиз фуқароларни амалдаги механизмлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ишларини ташкил этиш.</p> <p>3. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан, ишга жойлаштириш, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашиш, асбоб-ускуна учун субсидия ажратиш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Доимий</p> <p>Доимий</p>	<p>Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги,</p> <p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,</p> <p>Савдо-саноат палатаси,</p> <p>Ёшлар ишлари агентлиги,</p> <p>Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси,</p> <p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги,</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
20.	<p>Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибида хотин-қизлар улушини босқичма-босқич ошириб бориш.</p>	<p>1. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибида хотин-қизлар улушини таҳлил қилиб бориш.</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида танлов ўтказиладиган аъзолик ўринлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Эълон қилинган танловларни ОАВда кенг ёритиш ҳамда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила</p>	<p>Йил давомида</p> <p>Февраль</p> <p>Белгиланган муддатларда</p>	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги,</p> <p>Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси,</p> <p>Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги,</p> <p>Давлат улуши номидан мулкдор (акциядор, таъсисчи) функцияларини амалга ошираётган вазирлик ва идоралар</p>

		<p>масалалари бўйича республика комиссияси ва Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини хабардор қилиб бориш.</p> <p>4. Танловларда Миллий кадрлар захирасидаги хотин-қизларнинг номзодларини жалб этиш чораларини кўриш.</p> <p>5. Танлов натижаларидан келиб чиқиб, муносиб деб топилган хотин-қизларни кузатув кенгаши таркибига сайлаш бўйича корхоналар бошқаруви органлари (муассис) қарорларини қабул қилиш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Танловлардан сўнг уч кун ичида</p>	
21.	<p>Имконияти чекланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва эркакларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш бўйича яратилган имкониятлар юзасидан тарғибот тадбирларини ўтказиш.</p> <p>2. Ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларни бюджет хариди бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Апрель</p> <p>Сентябрь</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тиббий ижтимоий хизматлар агентлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш				
22.	<p>Мамлакатларнинг тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш чораларини кўриб бориш.</p>	<p>1. Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Рейтинг ва индекслар таркибидаги паст натижа қайд этилган индикаторларда мамлакат ўрнини яхшилаш юзасидан тегишли таклифларни шакллантириш.</p>	<p>Август</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бош прокуратура, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
23.	<p>Жамиятда тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаб ҳамда шарт-шароитларни таҳлил</p>	<p>1. Жамиятда тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш, бу борада жамоатчилик назоратини олиб бориш.</p>	<p>Йил давомида</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари,</p>

	қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.	<p>2. Давлат органлари ва ташкилотларнинг меҳнат жамоаларида зўравонлик турлари (жисмоний, вербал, эмоционал ва бошқа) бўйича тушунчалар бериш ва уни олдини олиш бўйича қисқа муддатли ўқувлар ўтказиш.</p> <p>3. Тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаб ҳамда шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.</p>	май Доимий равишда	<p>фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятлари институтлари</p> <p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура,</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-твдиқот институти</p>
24.	Зўравонлик содир этилган ва нотинч оилалардаги зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларнинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича ҳамда нотинч оиланинг аъзоларини зўравонликни олдини олиш бўйича махсус психокоррекция дастурларидан ўташни жорий қилиш.	Малакали психологларни жалб этган ҳолда ва хорижий тажрибани ўрганиш асосида зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларда агрессияни камайтириш ва ғазабни бошқариш орқали хулқ-атворини ўзгартириш бўйича психокоррекция, реабилитация тадбирларни ўз ичига олган махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	2023 йил давомида	Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Дин ишлари қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
25.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш тизимини такомиллаштириш	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг муаммоларини аноним тарзда ҳал этишда давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш	Йил давомида	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг				

ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш				
26.	Болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантиришда аёллар билан бир қаторда эркаларнинг масъулияти ҳамда ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Таълим ташкилотларида “Йигитлар клублари” ҳамда маҳаллаларда “Оталар мактаблари”ни ташкил этиш орқали йигитларга оила бошлиғи масъулиятини сингдириш ва оталикка тайёрлаб бориш ҳамда ўғил болаларнинг касбий, мулоқот компетентлигини шакллантиришга қаратилган тарғибот материаллари, медиа маҳсулотларини тайёрлаш ва намоишини ташкил этиш.	Май	“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, МТРК, УзА Ўзбекистон ММА
27.	Оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан хотин-қизлар ва эркалар учун маслаҳатлар бериш тизимини янада такомиллаштириш.	“Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари”ни тубдан такомиллаштириш, уларни оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш масканларига айлантириш чораларини кўриш.	Август	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш				
28.	Бюджет қарорларини қабул қилиш жараёнларида аёлларнинг иштирокини ошириш.	1. Бюджет сиёсатининг эркалар ва аёлларга таъсирини кузатувчи мустақил тузилмалар фаолияти бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва ўрганиш натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш. 2. Республика ва маҳаллий бюджетларни гендер жиҳатдан режалаштириш учун гендер таҳлил воситаларини кенг жорий этиш.	Июнь Август	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
29.	Хотин-қизлар ва эркаларга мўлжалланган ресурслар ҳамда хизматларни тақсимлаш бўйича олдиндан аниқланган мақсадларга кўра давлат	Вазирлик ва идораларнинг гендер нуқтаи назаридан режалаштириш ҳамда бюджетлаштириш бўйича салоҳиятини ошириш, бюджет масалаларига доир барча норматив-ҳуқуқий ва бошқа турдаги ҳужжатлар	Сентябрь	Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик

	маблағларидан самаралироқ фойдаланишни рағбатлантириш.	лойиҳаларини мажбурий гендер экспертизасидан ўтказиш амалиётини жорий этиш.		ва идоралар
30.	Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан гендер тенгликка эришишни ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида маблағлар ажратилишини таҳлил қилиб бориш.	1. Ушбу йўналишда давлат бюджети, шу жумладан маҳаллий бюджет маблағлари ажратилишини таҳлил қилиш. 2. Мониторинг натижаларини ОАВларда эълон қилиб бориш.	ҳар йил якунларига кўра январь	Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш				
31.	Республика ва ҳудудлар кесимида гендерга оид вазиятни таҳлил қилиш ҳамда унинг мониторингини юритиш.	1. Вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларида жинслар бўйича статистик кўрсаткичлар юритилишини ташкил этиш ва жамланган маълумотларни статистика органларига тақдим этиб бориш. 2. Гендер статистикасига оид кўрсаткичларни мувофиқлаштирган ҳолда юритилишини таъминлаш ҳамда йиллик маълумотларни эълон қилиб бориш. 3. Хотин-қизлар ва эркакларнинг норасмий меҳнат бозори секторидаги, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштироки, уларнинг давлат томонидан кафолатланган имкониятлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан статистик маълумотларни тизимли юритиш.	Ҳар йил якунлари бўйича Доимий Доимий	Масъул вазирлик ва идоралар Давлат статистика қўмитаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
32.	Аграр ва экология соҳаларида гендер статистикасига оид услубий	Соҳа мутахассислари ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Аграр ва экология соҳаларида гендер статистикасига оид услубий қўлланмалар	Ноябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни

	қўлланмаларни тайёрлаш.	тайёрлаш ва кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш.		муҳофаза қилиш қўмитаси
--	-------------------------	--	--	-------------------------